

**ЛОЙИХА -СМЕТА, ( ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ  
ШАРТНОМАСИ № 7676**

Фаргона шаҳри

2022 йил “18” февраль

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фаргона вилоят хокимлиги “Капитал қурилиши соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Х.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Smart Project Innovation” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Ибрагимов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида»ги конуни, Курилиш мөъёrlари ва коидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

**1.Шартнома мавзуси**

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан “Фарғона тумани Шохимардон МФЙ ҳудудидаги 64-сонли оиласий поликлиникасини мукаммал таъмирлаш” обьектига лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб рақамига маблаг ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2.Шартнома бўйича ишлар қиймати**

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. «18» февраль кунги харид комиссиясининг баёнига асосан жорий нархларда **12 000 000 (үн икки миллион) сўмни**, шу жумладан Кўшимча қиймат солиги **15% - 1 800 000 сўмни** ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “18” марта буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қийидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда курилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**3.Пудратчининг мажбуриятлари**

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМК, ШНК ва бошка мөъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъкиланади.

**4.Буюртмачининг мажбуриятлари**

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли ҳужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

**5.Тўловлар ва хисоб-китоблар.**

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида авансни ўтказади.

5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб колган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб рақамига маблаг ажратилгандан сунг обьект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

## **6.Ишларни бажариш**

6.1. Пудратчи лойиҳа-СНИП ишларига лойиҳа бош мухандисни тайинлайди.Бош мухандис лойиҳа-смета хужжатлари ҚМК, ШНК ва бошка меъерий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат килади, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳакида Буюртмачига ахборот тақдим килиб боради. Пудратчи лойиҳа-смета хужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

## **7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш**

7.1. Пудратчи томонидан тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер хужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараккиёт ва камбағаликкни кисқартириш вазирлиги хузуридаги “Лойиҳаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза килиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг изжобий хulosаси олингандан сўнг, Пудратчи З кун мобайнida лойиҳанинг ишчи хужжатларини З нусхада, смета хужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қиласи. Лойиҳанинг ишчи хужжатлари юкоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган хисобланади.

7.2. Лойиҳа-смета хужжатларида шартномадан четга чиқшлар ёки бошка камчиликлар борлиги аникланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул килаётганда аниклаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниклангандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни кисқа муддатда бартараф этилишини талаб қиласи. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз хисобидан бартараф қиласи.

## **8.Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

## **9.Кафолатлар**

9.1. Пудратчи-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета хужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

## **10.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг хаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди. Пудратчи тайёрланган лойиҳа-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиҳа-смета хужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета хужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аникланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аникланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талби билан лойиҳа-смета хужжатларини бепул кайта ишлаб чикиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун

хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирганинига ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод килмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиҳа-смета хужжатлари билан боғлик муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар хисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлик заар тўлиғича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод килмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул килиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортини, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблағ олувчи ташкилот хисобланганлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам хисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-кисмiga кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қўйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чикиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки кисман мумкин бўлмай колса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли кисми бекор бўлади.

## 11. Коррупцияга қарши қурашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши қурашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

-шу жумладан, пора таклиф килмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик килмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян харакатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-

харакатлари, шу жумладан коррупциявий хукуқбузарликларни содир этгандыгы ҳакида алокканалларига мурожаат қилиши мүмкін.

## 12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Фаргона туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу карор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган холда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганини маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иктиносий тараккиёт ва камбағалликни кискартириш вазирлиги хузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш хажмлари ва уларнинг нарх параметрлари кисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик хужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тутатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунинга қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга карор қилган томон иккинчи томонга ёзма равища билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди.

## 14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фаргона вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради хамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома З (уч) нусхада тузилди. Уч нусха хам айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

## 15. Томонларининг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

### Буюртмачи

Фаргона вилоят хокимлиги “Капитал курилиш соҳасида буюртмачи хизмати”

Манзил: Фаргона ш. Темирйўл кўчаси 37-й  
Тел./факс 244-52-24

ШХР 100021860304014072120054006

Ташкилотнинг: СТИР 204816336 ОКЭД-  
Фаргона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси  
ЯФХ : 23 402 000 300 100 001 010  
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси Хисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)  
МФО: 00014 Ғазначилик бўлинмасининг  
СТИР: 201 122 919

Рахбар  
м.у.

Х.Додимов

Хукукшунос:

### «Пудратчи»

“Smart Project Innovation” МЧЖ

Манзил: Фаргона ш. Халқлар Дўстлиги кўчаси 76-й  
Тел: 998-97-595-44-49

Х/Р: 20208000105166538001

Банк: Мадад Инвест банк Фаргона филиали

МФО: 01142 ИНН: 307 049 185

ОКОНХ: 41100

Директор В. Умаралиев



*Мародимов*